Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ***
**к договору (контракту) от 05.01.2022 г. № 1**

**между ЧП Когон Мерос и Когон шахар Хокимлиги на общую сумму 19999880,00**

Глава 018
Казначейский лицевой счёт 100022860064037011204018001

(в сумах)

| Наименование месяцев 2022 г. | Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации) | | | Всего |
|---|---|---|---|---|
| | 4252500 | | | |
| Январь | 9 999 986,00 | | | 9 999 986,00 |
| Февраль | 4 999 970,00 | | | 4 999 970,00 |
| Март | 4 999 924,00 | | | 4 999 924,00 |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Всего за год** | **19 999 880,00** | | | **19 999 880,00** |

Всего 19999880,00 сум — Девятнадцать миллионов девятьсот девяносто девять тысяч восемьсот восемьдесят сум 00 тийин
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы или 100% *** от общей суммы договора подлежат предоплатит в каждого месеце до 30 числа 2022 г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;
(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;
(***) — Месячный _______% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика _______________ Давлатов Хаёт Хасанович
(подпись) Ф.И.О.

М.П.

Главный бухгалтер заказчика _______________ Нишонова Гулноз Хамроевна
(подпись) Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения _______________
(подпись)

«___» ________________ 20___г.

Получил работник заказчика _______________
(подпись)

«___» ________________20___г.

# СИҚИЛГАН ГАЗ СОТИБ ОЛИШ ШАРТНОМАСИ №

**Когон шаҳри** **«05» «январ» 2022 йил**

**“Когон Мерос” хусусий корхонаси** (ташкилот, корхона номи) (кейинги ўринларда ”Сотувчи” деб юритилади) номидан ўзининг низоми асосида иш юритувчи корхона раҳбари **К.Бабаев** номидан, бир томондан ва **Когон шахар хокимлиги** (корхона, ташкилот, муассаса номи), (кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади) номидан ўзининг низоми асосида иш юритувчи **шаҳар ҳокими Ҳ.Ҳ.Давлатов** (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи қуйидаги маҳсулотни сотиш мажбуриятини, Сотиб олувчи эса товар (маҳсулот)ни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда кийматини тўлаш мажбуриятини олади.

сўмда

| № | Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Жами маҳсулот миқдори | Нархи | Баҳоси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Сиқилган газ (метан) | Метр куб | 8695,60 | 2300 | 19 999 880 |
| | Жами: | | | | 19 999 880 |

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: 31 “декабр” 2022 йилгача
1.3. Маҳсулотни етказиш сотиб олувчи автомашинаси газ балонларини сотувчининг автомобилларга газ қўйиш шахобчасида (АГҚШ) қўйиш йўли билан амалга оширилади.
1.4. Сотиб олувчи автомашинасига газ қўйилган сана, махсулот етказиш санаси ҳисобланади.

## 2. ТЎЛОВ ТАРТИБИ

2.1. Сиқилган 1 м3 газнинг нархи 2300 сўмни ташкил қилади.
2.2. Мазкур шартнома тузилган вақтдаги умумий сумма 19 999 880 (Ўн тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг саккиз юз саксон саккиз) сўмни ташкил этади.
2.3. Етказиб берилган газнинг ҳисоб-китоби газ олинган кундаги нарх бўйича тўлов амалга оширилади.
2.4. Суюлтирилган газ “Тарқатиш қайдномаси” асосида берилади.
2.5. Тарқатиш қайдномаси сотиб олувчи томонидан газ учун сотувчининг ҳисоб-рақамига 100 % пул маблағи ўтказилгандан сўнг берилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотиб олувчи газга қайта жиҳозланган автомашинадан фойдаланиш давомида, техника хавфсизлиги ва техник ҳолати учун тўлиқ жавобгарлик мажбуриятини ўз зиммасига олади.
3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
а) амалдаги қоидаларга, техник ҳолатга, сиқилган газдан фойдаланиш бўйича йўриқномага тўлиқ амал қилиш.
б) автомашинанинг газ балон ускунасини соз ҳолатда сақлаш.
в) газ балоннинг геометрик ҳажми ва техник техник ҳолати тўғрисида йўл варақасига белги қўйиш.
г) белгиланган тартибда автомашинага газ қўйиш учун тегишли органлардан махсус рухсатнома олиш.
3.3. Сотувчининг ҳуқуқлари:
а) автомашинанинг газ мосламаларини тўғри эксплуатация қилинаётганлигини назорат қилиш, ўлчов асбобларнинг созлигини текшириш.
б) ҳайдовчининг газ билан ишловчи автомашинани бошқариш хуқуқини берувчи гувоҳномасини текшириш.
в) сотиб олувчи белгиланган қоидаларга, газ қуйиш регламентига ва шартнома шартларига риоя қилмаслик ҳолатлари аниқланганда, автомобилларга газ қўйишни тўхтатиш.
3.4. Сотувчи ва сотиб олувчи газ хажмининг ўртача кунлик нормасидан келиб чиққан ҳолда ойлик газ миқдорини бир маромда узатиши ва қабул қилиши шарт.

Сотиб олувчи газ истеъмоли даврида юзага келадиган келгуси ўзгаришлар ҳақида йил чораги бошланишидан 10 кун олдин сотувчига ёзма ҳолда ёки телефонограмма орқали маълум қилиши шарт.

Сотувчи АГҚШдаги ускуналарнинг навбатдаги жорий таъмирланишини амалга оширишдан 3 кун олдин, умумий жорий таъмирланишини амалга оширишдан 10 кун олдин сотиб олувчини огоҳлантиради.

## 4. ГАЗ ҲИСОБИ

4.1. Сотиб олувчига берилган газ миқдори тарқатиш қайдномаси бўйича аниқланади.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Сотувчи ва сотиб олувчи қуйидаги ҳолларда олинадиган газ ҳажмини кўпайтириш ёки камайтиришга ҳуқуқли ва бу учун жавобгар эмасдирлар:

а) кутилмаганда газ қувурлари, электр, газ тармоқларида содир бўлган авария ҳолларда;

б) газ билан таъминлашда сотувчига боғлиқ бўлмаган узилишларда;

в) ёнғин, зилзила, сув тошқинлари ва бошқа табиий офатлар юз берганда;

г) газ қувурлари, электр, газ тармоқларининг навбатдаги жорий таъмирланиши, шу билан боғлик бўлган синов ва пайвандлаш ишлари давомида.

5.2. Шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилиши бўйича томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан жавобгардирлар.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома 2022 йил «05» январдан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор холатларида

## 7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1. 2014 йил 1январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси бюджет кодексининг 122 моддаси ҳамда 2006 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси “Давлат бюджетининг Ғазна ижроси тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддаси , Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган.

## 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади

8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Иқтисодий судда хал қилинади.

## 9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар оркали имзоланиши керак.

9.2. Ушбу шартномага иловалар унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Сотувчи»

**"Когон Мерос" хусусий корхонаси**

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Когон шахар Қоровулбозоршох кучаси

Тел./факс: 52-4-66-60

х/в 20208000804439526001

Банк номи ОАТБ Кишлок курилиш банк Когон филиали

МФО 00087

ОКОНХ 43700

СТИР 205 859 701

Рахбар К.Бабаев

(имзо)

М.Ў

«Сотиб олувчи»

**Когон шахар хокимлиги**

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил:_Бухорошох кучаси 14-уй

Тел./факс 52-4-55-68

х/в 100022860064037011204018001

бюджетдан маблағ олувчи СТИР 201108934

ОКОНХ 97600

**Ғазначилик бўлинмаси номи: Когон шахар Газначилик булинмаси**

**Ғазна х/в: 23402000300100001010**

**Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Марказий банкнинг ХККМ**

**МФО: 00014**

**Ғазначилик бўлинмаси СТИР: 201122919**

Раҳбар Х.Ҳ.Давлатов

(имзо)

М.Ў

***Ҳуқуқшунос** (ИМЗО ва Ф.И.Ш)*:

*Гувоҳнома (Диплом) № ва берилган санаси*: